

# Пудрат шартномаси № 12839

Урганч шаҳри

« 01 » сентя 2022 йил

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «РИКИАТМ Урганч филиали номидан Низом асосида иш курувчи Директори А.М.Сагиров бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Qadamboy Usta Trans Servis” ХК номидан устав асосида иш курувчи Х. Бобожонов иккинчи томондан РИКИАТМ Урганч филиали биносининг биринчи қаватида жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. Таърифлар:

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;

Вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишлаарни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

Беркитиладиган ишлар – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чикиш – ишларнинг хар бир боскичи ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига биноан Республика Ихтисослаштирилган Кардиология Илмий Амалий Тиббиёт Маркази Урганч

филиали биноси биринчи каватида жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома буйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (Лот № 55147 30.03.2022 - йил) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, шу жумладан ККС ни ҳисобга олган ҳолда жорий нархларда **491443106 (турт юз туксон бир миллион турт юз қирк уч минг бир юз олти) сум** ни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно :

- қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа узгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

\_\_\_\_\_ - иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-

ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

қурилиш майдони қурикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

## **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага \_\_\_ - иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига \_\_\_ - иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб \_\_\_ ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

10. Шартнома:

- миллий валюта “Сум”да узаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

- кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада “сумда” узаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофик руйхатдан утқазилгандан кейин қучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиришади.

12. Танлов савдолари натижаси буйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 (йигирма) календар қунни ташқил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## **VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига 3 (уч) иш куни муддатда шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг **30%и** микдорида аванс утказди, бу сумма **147432931 (бир юз қирк етти миллион турт юз уттиз икки минг туккиз юз уттиз бир) сумни** ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-4 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати қабул қилингандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда бажарилган ишлар ҳисоб-китоб фактурасининг 100% микдорида, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 95 фоизгача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматининг қолган 5 фоизи Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги ўзил қилинган ҳисоб-китоб қилиниши тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан 12 ойдан кейин;

Мазкур шартномада белгиланган қарор қилинган муддати тамом бўлгандан кейин – ишлар кийматининг 5 фоизи микдорида, молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳақи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома қўғи қилган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган ҳолда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар қилиниши ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қилиниш майдонида ўз вақилини- техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати ўстидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўхтовсиз қилиниши ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қилиниш майдонида

ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни хал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI- бўлимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия булиш ишларида саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини вақтинча улашни ва улаш нукталарида янғидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи узи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари асбоб-усқуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.

32. Алоҳида маъсулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилиш назорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик кабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитекткурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу ҳақда хабардор килинмаган булса ёки кечикиб хабардор килинган булса, у ҳолда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у ҳолда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш киймати кунга кунга келтирилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангугача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тугаллашдаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоратадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## **IX. Ишларни куриклаш**

39. Пўдратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган курилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қўй вақтга қўзилса, у ҳолда Пўдратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини муҳокама қилидилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида қилиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пўдратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 1 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пўдратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-булимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада

ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

47. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **ХII.Кафолатлар**

48. Пудратчи:

- барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари,қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб қамида \_\_\_ ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади.Нуқсонлар пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса,у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда,уларни текшириб чиқиш “Давархитектқурилишназорат” органлари томонидан амалга оширилади,бу томонларнинг ушбу масала бўйича хужалик судига муурожаат қилишини истисно этмайди.

## **ХIII.Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:



- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя тилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

58. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молилаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

60. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашнинг рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи микдорида жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.4 фоиз микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.5 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса, у холда Буюртмачи «Давархитектқурилиш назора» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 50 фоизи микдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарни коплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо будадиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан қуриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар**

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади.

67. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз ,субпудратчилардан ташқари,бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса,ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

### **XVII.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Урганч филиали	«QADAMBOY USTA TRANS SERVIS» XITQK
Манзили: Урганч т. Юқорибог к.	Манзили: Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани, Янгилик МФЙ, Аз-Замахшарий кўчаси, 171 уй
Тел/факс: 62-35-35-313	Тел/факс: тел.97-511-35-80, факс 22-6-77-87
х/р: 401421860332177073201054002	ш/хр: 20208000800452625001
ИНН: 201970196	ИНН: 303265744
ОКОНХ: 91513	ОКОНХ: 41201
Банк: Кишлоқ курилиш банк	Банк: «Миллийбанк» Урганч филиали
Молия вазирлиги газначилиги	МФО 00547
х/р:23402000300100001010	
ИНН: 201122919	
МФО: 00014	
Тошкент ш. Марказий банк Тошкент ш ХККМ	




М.Ў.

(Имзо)

А.М.Сагиров

(Ф.И.О.)



М.Ў.

(Имзо)

Х.Бобононов

(Ф.И.О.)

Ҳуқуқшунос:

*Алишер Каримов*

Хоразм вилоят Урганч туманида жойлашган Р.И.К.И.А.Т.М Урганч филиали худудида жорий таъмирлаш ишларини бажариш

ЖАДВАЛИ

491443106 (минг сум)

т/р	Ишлар тури ва номи	Ишлар киймати	2022 йил буйича курилиш киймати											
			4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декбр
1	Урганч туманида жойлашган Р.И.К.И.А.Т.М Урганч филиали биринчи каватини жорий таъмирлаш ишлари	491,4	-	-	-	147,4	-	-	-	-	-	-	-	-
	Жами:	491,4	-	-	-	491,4	-	-	-	-	-	-	-	-

Буюртмачи



Пудратчи



Хоразм вилоят Урганч туманида жойлашган Р.И.К.И.А.Т.М Урганч филиали худудида жорий таъмирлаш ишларини **молиялаштириш**

**ЖАДВАЛИ**

491443106 (минг сум)

т/р	Ишлар тури ва номи	Ишлар киймати	2022 йил буйича курилиш киймати											
			4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декбр
1	Урганч туманида жойлашган Р.И.К.И.А.Т.М Урганч филиали биринчи каватини жорий таъмирлаш ишлари	491,4	-	-	-	147,4	-	-	-	-	-	-	-	-
	Жами:	491,4	-	-	-	491,4	-	-	-	-	-	-	-	-



Пудратчи





"Утверждаю"

Директора Ургенчского филиала Р.Н.И.М.Ц.К

А. М. Сагиров

"31" март 2022 г.

АДРЕСНЫЙ СПИСОК СТРОЕК НА 2022 год

за счет соб средств .

№ п/п	Наименование объекта, их местонахождение	Год начала и окончания стр-во	Проектная мощность в соответствии в единицах (км)	Общая стоимость проекта на момент заключения договора-подряда в т.ч. затраты заказчика	Остаток стоимости стр-ва на	Прогноз капвложений на -2022 год					Дата и № экспертизы 10.03.2022 г №33570	Дата и лот номер утверждения результатов электронных конкурсных торгов (отборов)	Подрядная организация
						КВ всего	СМР	оборудование	затраты заказчика				
									Всего	в т.ч. на содержание заказчика			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Текущий ремонт Ургенчского филиала Р.Н.И.М.Ц.К Хорезмской области (1-этаж)	2022 год	объект	502,7	502,7	491,4	491,4	193,8	32,5	7,6	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI «SHAHARSOZLIK HUIJATLARI EKSPERTIZASI» DAVLAT UNITAR KORXONASI	Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 55147 30.03.2022 г	ЧП «Кадамбой уста транс сервис»
<b>Итого</b>				<b>502,7</b>	<b>502,7</b>	<b>491,4</b>	<b>491,4</b>	<b>193,8</b>	<b>32,5</b>	<b>7,6</b>			



"Утверждаю"  
Директора Ургенчского филиала Р.Н.И.М.Ц.К

А.М.Сагиров

"31" март 2022 г.

### ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел 1. Основные данные по Текущий ремонт 1-этаж  
Ургенчского филиала Р.Н.И.М.Ц.К

1.Наименование и местонахождение стройки	Текущий ремонт 1-этаж Ургенчский филиала Р.Н.И.М.Ц.К				
2.Отрасли	прочие				
3.Инвестор	Соб сред				
4.Заказчик	Р.Н.И.М.Ц.К Ургенчского филиала				
5.Разработчики					
5.1.ТЭО	ООО "Фарангизбону лойиха сервис"				
5.2.ПСД и / или ТД					
5.3 Экспертизы	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI «SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI» DAVLAT UNITAR KORXONASI				
6.Генеральный подрядчик	ЧП «Кадамбой уста транс сервис»				
7.Источник финансирования	Соб сред				
8.Срок начала и окончания строительство	2022 г				
9.Основные показатели стройки	Всего	Остаток на			
Мощность (в соотств. Единицах измерения)	Объект	Объект			
Основные фонды	502,7	502,7			
Капитальные вложения	502,7	502,7			
Строительно-монтажные работы	491,4	491,4			
Оборудования и инвентарь	193,8	193,8			
Прочие работы и услуги	32,5	32,5			
Содержание службы заказчика	7,6	7,6			
Прогноз на 2022 год в соответ.с согласованным с обл ВССБ адресным списком	В договорных ценах тыс.сум				
Мощность (в соотств. Единицах измерения)	Объект				
Основные фонды		502,7			
Капитальные вложения		502,7			
Строительно-монтажные работы		491,4			
Оборудования и инвентарь		193,8			
Прочие работы и услуги		32,5			
Содержание службы заказчика		7,6			
<b>Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2022 года в (в договорных ценах/тыс.сум)</b>					
	Всего на год	В том числе по кварталам			
	2022год	1	2	3	4
Ввод мощности	Объект	Объект			
Основные фонды	502,7	0	502,7	0	0
Капитальные вложения	502,7	0	502,7	0	0
Строительно-монтажные работы	491,4	0	491,4	0	0
Оборудования и инвентарь	193,8	0	193,8	0	0
Прочие работы и услуги	32,5	0	32,5	0	0
Содержание службы заказчика	7,6	0	7,6	0	0

Подрядчик

